

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ИННАЗАРОВ МАЖИД АМОНОВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(Олий таълим муассасалари мисолида)

**13.00.07 –Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Pedagogical  
Sciences**

**Инназаров Мажид Амонович**

Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини таъхислаш  
технологияларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида) ..... 3

**Инназаров Мажид Амонович**

Усовершенствование технологий диагностики профессиональной компетентности  
педагогических кадров в системе повышения квалификации (На примере высших  
образовательных учреждений) ..... 23

**Innazarov Majid Amonovich**

Developing technologies for diagnosis of professional competencies of pedagogical staff in the  
professional development system (on the example of higher education institutions) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ИННАЗАРОВ МАЖИД АМОНОВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(Олий таълим муассасалари мисолида)

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped228 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Ибраймов Аскар Есбосынович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:[www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz); E-mail:[avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz).)

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х.Раҳманкулова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.Э.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, с.ф.ф.д., (PhD), доцент

**З.К.Исмоилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий компетентлигини изчил ривожлантириш орқали ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётга эришиш мақсади кўзланмоқда. Европа Кенгаши мамлакатларининг “2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси” (“SFECET”, ET 2020”) ғояларига кўра таълим тизимида касбий компетентликка эга, юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш стратегик йўналишлар сифатида белгиланган. Бу эса, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, педагог кадрларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган малака ошириш таълим дастурларини шакллантириш, эҳтиёжлар асосида индивидуаллаштиришни тақазо этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимида педагог кадрларнинг инновацион ва менежерлик салоҳиятини оширишга қаратилган турли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб, педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш механизмларини жорий этиш, эҳтиёжларга йўналтирилган малака оширишнинг масофавий таълим технологияларига асосланган дастурий-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, узлуксиз касбий ривожланиш жараёнларининг электрон мониторинг тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янги босқичга кўтариш, уларнинг касбий малакасини оширишнинг замонавий шакллари ҳамда илмий ва илмий-педагогик фаолият натижаларини инобатга оладиган табақалаштирилган ва муқобил узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди<sup>1</sup>. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл, метод, восита ва технологиялари (жумладан, масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио каби ахборот тизимлари) жорий этилди. Шу билан бирга, малака ошириш тизимига замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш механизмларини такомиллаштириб, узлуксиз электрон ташхислаш тизимни жорий этишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ва 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.08.2019 й., 06/19/5789/3659-сон.

малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантириш ва инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республика олимлари Ж.Йўлдашев, Р.Х.Джураев, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, Ш.Қ.Мардонов, И.М.Расулов, М.Б.Уразова, М.Юлдашев, Ш.Пахруддинов, Ш.Пулатов, М.Мирсолиева, Д.Маматқулов, М.Файзиева, Т.Т.Шоймардонов, И.А.Эшмаматов ва С.Тошевларнинг илмий-методик ишларида раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, малака ошириш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникацион ҳамда илғор педагогик технологияларни жорий этиш, узлуксиз малака ошириш механизминини яратиш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини изчил ривожлантириш, таълим жараёнида педагогик ташхислашни амалга ошириш масалалари ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида О.А.Васильева, А.Ш.Галимова, В.Б.Гаргай, В.Д.Иванов, Л.В.Клеева, Т.В.Коротовских, П.А.Корчемный, О.А.Некрасова, И.Э.Савенкова, Ю.Г.Татурлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида педагог кадрларни малакасини ошириш, касбий компетентликни шакллантириш, малака ошириш тизимига АКТни жорий этиш, масофавий таълимнинг педагог кадрларнинг малакасини оширишдаги ролини такомиллаштиришга доир муаммолар таҳлил қилинган бўлса, педагогик компетентликни ташхислашда самарали бўлган омиллар, турли фанлар доирасида педагогларнинг касбий компетентлик сифатларини ташхислаш масалалари В.Н.Батищев, Л.В.Гребенникова, Д.Г.Давыдов, Ю.Б.Дроботенко, М.Е.Иньков, О.И.Мезенцева, С.В.Менькова, О.Е.Пермяков, Т.С.Пудочкина, А.И.Субетто, Е.В.Чмыхова, Н.В.Чекалева, Ю.П.Шапран, А.Шуйцевларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш стратегиялари, касбий компетентликни ривожлантиришга нисбатан инновацион ёндашув, педагогнинг ўз-ўзини касбий ривожлантириши масалаларини Аднан Хаким (Adnan Hakim), Джон Равен (Raven John), Дирк Рихтер (Dirk Richter), Карлхайнц Ингенкамп

(Karlheinz Ingenkamp), Michael D.Toth (Майкл Д.Тот), Мардия Рахман (Mardia Hi. Rahman), Марейке Кунтер (Mareike Kunter), Хутмахер Вало (Hutmacher Walo), Бжорн Оскарссон (Bjorn Oskarsson), Robert Marzano (Роберт Марцано), Тило Кляйкманн (Thilo Kleickmann), Ута Клузмманн (Uta Klusmann) кабилар илмий изланишлари учун муаммоларини тадқиқот йўналиши этиб белгилаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД–5-42 “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш”, Ё-14 – қайд рақамли “Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг информацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндошув” лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади** малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмунини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг босқичлари, мезонларини аниқлаштириш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш жараёнида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг электрон методик тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ташхислаш жараёни белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ташхислашнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг методлари.** Тадқиқот жараёнида педагогика, психология ва ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасига оид адабиётларни ўрганиш; назарий таҳлил; анкета; тест (ўқув ва ташхис тестлари); суҳбат; педагогик кузатиш; интервью; педагогик тажриба; эксперт баҳолаш; математик-статистик методларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг ташкилий-методик, технологик, коррекцион босқичлари ва когнитив, амалий-фаолиятли, рефлексив мезонлари малака талаблари билан ўзаро боғлиқлигига асосланиб аниқлаштирилган;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмуни когнитив соҳа, коммуникатив даража ва ўзини-ўзи касбий-шахсий ривожлантириш мотивацияси каби омилларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида индивидуал-касбий ривожланиш натижалари харитаси ишлаб чиқилган;

педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг электрон ташхислаш тизими (эксперт баҳолаш, функционал-тузилмавий ташхислаш, назорат-таҳлил)ни киритиш асосида малака ошириш жараёнида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш жараёнини бошқаришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

педагог кадрларнинг мустақил касбий ривожланиш натижаларига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб боровчи электрон база (Teachers Record Management System)ни ишлаб чиқиш асосида электрон мониторинг тизими такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмун моҳияти очиқ берилган, педагогик ташхис босқичлари, мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида касбий компетентликни ташхислашнинг электрон-методик тизими яратилган;

педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш натижалари асосидаги эҳтиёжларга йўналтирилган, коррекцион-ривожлантирувчи оммавий очик онлайн курслар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг методологик ҳамда методик асосга эгаллиги; кўп босқичлилиги; босқичлар (асословчи ва таълимий тажриба) ўртасидаги фарқлар асосида тавсия этилган методика самарадорлигининг аниқланганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги; олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги; олинган эмпирик қийматларнинг ишончли математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги; олинган натижалар асосли эканлигининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ташхислашнинг мазмуни, босқичлари, шакл, метод ва воситаларининг



аниқлаштирилганлиги, педагогик ташхис механизмларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳмияти малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш жараёнини бошқариш моделининг ишлаб чиқилганлиги, электрон мониторинг тизимини доимий янгиланиб турувчи электрон база (Teachers Record Management System)ни киритиш асосида такомиллаштирилганлиги, индивидуал касбий ривожланишнинг электрон харитасини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмунини когнитив соҳа, коммуникатив даража ва ўзини-ўзи касбий-шахсий ривожлантириш мотивацияси каби ижтимоий-психологик омилларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлардан олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (ОЎМТВнинг 2019 йил 30 декабрдаги 89-03-5243-сонли маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари педагог кадрларини касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг электрон ташхислаш тизимини жорий этиш билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (ОЎМТВнинг 2019 йил 30 декабрдаги 89-03-5243-сонли маълумотномаси). Натижада педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш жараёнини бошқаришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг электрон ташхислаш тизими, коррекцион-ривожлантирувчи очиқ онлайн курслар дастурларидан минтақавий ва тармоқ марказларидаги малака оширишда фойдаланилган (ОЎМТВнинг 2019 йил 30 декабрдаги 89-03-5243-сонли маълумотномаси). Натижада, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига инновацион ёндашувдаги ахборот-методик таъминотни жорий этиш имкони юзага келган.

малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг ташкилий-методик, технологик, коррекцион босқичлари ва когнитив, амалий-фаолиятли, рефлексив мезонлари билан боғлиқ илмий-амалий ишланмалар Ё-14 – қайд рақамли “Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг инфор­мацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндашув” лойиҳаси мазмунига сингдирилган (ОЎМТВнинг 2019 йил 30 декабрдаги 89-03-5243-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг узлуксиз тизимини таком­ллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги қайд этилиб, педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш, педагогик ташхис мазмуни, босқичлари, устувор тамойиллари ёритилган. Шунингдек, малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг амалиётдаги мавжуд ҳолати баҳоланган.

Жамият ҳаётининг тезкор тараққиёти, илм-фан, техника ва технология соҳаларида жадал суръатда рўй бераётган ўзгаришлар таълим жараёнини ташкил этишда даврий ўзгаришларни инобатга олиш, фан янгиликларини

Ўқув материаллари мазмунига сингдира олиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилардан педагогик фаолиятни инновацион лойиҳалар асосида ташкил этиш орқали талабаларда ўқув-билиш ҳамда ижтимоий фаолликни ривожлантириш, уларнинг мустақил тафаккурга эга бўлишларига эришишни мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Мазкур вазифаларни ҳал этишда ОТМда фаолият юритаётган педагог кадрларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шахснинг компетентлиги тўғрисида сўз юритилганда “компетенция”, “касбий компетенция”, “компетентлик”, “касбий компетентлик” ва “педагогик компетентлик” тушунчаларининг моҳиятини англаб олиш талаб қилинади.

Компетенция – шахс томонидан муайян фаолиятни ташкил эта олишга лаёқатлилиқ, уни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиш саналади. Кўплаб компетенцияларнинг жамланмаси муайян тур ёки шаклдаги компетентликни намоён этишга хизмат қилади. Агарда компетентликни тизим деб олинса, компетенциялар ана шу тизимнинг асосини ташкил этувчи таркибий қисмлардир.

Педагогик ва психологик нуқтаи назардан касбий компетентлик сифатларини аниқланиши ҳам муаллифларнинг эътиборини ўзига тортган. Илмий-педагогик таҳлилларда, компетентлик - режалаштириш, амалга ошириш ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолашни ўз ичига олувчи ўқитиш жараёнини бошқариш қобилияти (Mardia Rahman); белгиланган вазифаларни ҳал қилиш ва ишнинг қутилган натижаларини қўлга киритиш учун зарур бўлган қобилият (С.Уиддет, С.Холлифорд); шахснинг мавжуд билим, малака ва муносабатига асосланган ҳолда, шунингдек, у томонидан ташкил этиладиган фаолият талабларига мувофиқ муайян иш ёки вазифани бажариш қобилияти (Н.Аdnan); шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллаш олиши (Н.Муслимов) дея изоҳланади.

**Бизнинг фикримизча, касбий компетентлик** – шахснинг фаолиятда мустақил, муваффақиятли иштирокини таъминлашга йўналтирилган таълим ва ижтимоийлаш жараёнида мавжуд билимлари, тажрибасига асосланувчи ҳамда касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи билим, кўникма ва малакалари, тажриба, шахсий сифатлари йиғиндисидир.

Кўрсатилган сифатлар моҳиятини, уларнинг таълимий жараёндаги амалий аҳамиятини таҳлил қилиш асосида малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашни топишда методик, ахборот, креатив, инновацион, коммуникатив, технологик компетентлик сифатларига таянган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

ОТМ педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида тингловчиларнинг касбий компетентлик сифатларига эгаллигини ташхислаш ва баҳолаш уларнинг потенциалига таянган ҳолда малакали,

рақобатбардош мутахассисларни ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир.

**Педагогик ташхис (диагностика)** – аниқ мақсаддан келиб чиққан ҳолда муайян ҳолат (фазилат, билимларни ўзлаштириш) бўйича ўрганилувчи шахс фаолиятини кузатиш, текшириш ва баҳолашга оид статистик маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш, динамик ривожланишни аниқлашга қаратилган назорат ёки мониторингнинг таркибий қисми. Ўз моҳиятига кўра маълум жараён, ҳодиса ёки объект бўйича педагогик ташхис қўйишга қаратилган фаолият эса педагогик ташхислаш саналади. Чунки ташхислаш негизида шахс ёки автоматик қурилма томонидан амалга ошириладиган реал ҳаракат ётади.

Малака ошириш тизимида педагогларнинг касбий компетентлигини ташхислаш қуйидагилар асосида амалга оширилади: педагогнинг касбий фаолиятда эришган ютуқлари тўғрисида маълумот берувчи портфолио; ўқув модуллари бўйича ташкил этилган синов (тест, реферат, лойиҳа ва бошқа)ларнинг натижавий кўрсаткичлари; йўналишлар бўйича ташкил этиладиган кириш ҳамда оралиқ назорат (онлайн чиқиш тестлари) нинг натижалари; якуний назорат (битирув ишининг сифати ва уни самарали ҳимояга қилганлик) тўғрисидаги маълумотлар.

Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг **мақсади** – касбий компетентлик сифатларига эгаллик даражасини белгиловчи реал кўрсаткичларга тезкор эга бўлиш орқали тингловчиларда етарлича ривожланмаган касбий компетентлик сифатларини, уларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни аниқлаш асосида коррекциялаш чораларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотни олиб боришда малака ошириш курсларида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. Малака талабларини инобатга олиш асосида малака ошириш курсларида таҳсил олаётган тингловчилар эга бўлиши зарур бўлган касбий компетентлик сифатлари (компетенциялар)ни белгилаш.

2. Малака ошириш курсларидаги таълим жараёнини ва тингловчилар фаолиятини кузатиш, етарлича ривожланмаган касбий компетентлик сифатларини, уларни ўзлаштириш йўлидаги қийинчиликларни аниқлаш.

3. Ташхис мақсадини аниқ белгилаш (тингловчиларда ахборот, инновацион, технологик, креативлик, шахсий компетентлик сифатларини ривожланганлик даражасини аниқлаш ва бошқалар).


4. Педагогик ташхиснинг шакл, метод, восита ва технологияларини танлаш ёки асослаш орқали махсус методикани ишлаб чиқиш. Бунда махсус методика қуйидагиларга асосланди: ташхис шакли – электрон портфолио, назорат иши, масофавий таълим, педагогик амалиёт, электрон мониторинг, оралиқ ва якуний аттестация; ташхис методлари – ностандарт тестлар, электрон тақдимот, лойиҳа методи; ташхис воситалари – ўқув модули бўйича адабиётлар (ўқув-методик мажмуалар, педагогик луғатлар), ахборот

технологиялари, тарқатма материаллар (анкеталар, тестлар, назорат топшириқлари, натижаларни тезкор ҳисобга олишни таъминловчи схема, харита ёки жадвал), методик кўрсатмалар (йўриқнома, эслатма ва кўрсатмалар), очиқ онлайн курслар, электрон база (TRMS) маълумотлари.

5. Махсус методикани амалиётга татбиқ этиш. Мазкур жараёнда тингловчиларга ўқув ва ташхисловчи махсус тестлар, креатив характердаги ўқув топшириқларни ҳавола этиш асосида уларда ахборот, инновацион, технологик, креативлик, шахсий компетентлик сифатлари (компетенциялар)ни ривожлантиришга эътибор қаратилади.

6. Миқдор кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда тингловчиларда ахборот, инновацион, технологик, креативлик, шахсий компетентлик сифатларининг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш, ривожланишда меъёрий кўрсаткичлардан оғиш сабаблари ва даражасини аниқлаш, коррекциялаш чораларини белгилаш.

Маълумки, у қандай тур ёки шаклда бўлишидан қатъий назар фаолиятнинг самарали кечишида унинг муайян тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши аҳамиятли саналади. Шу сабабли малака ошириш курсларида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашга қаратилган фаолиятни ташкил этишда ҳам устувор тамойилларни белгилашга эътибор қаратилди. Бизнинг фикримизча, қуйидаги тамойилларга асосланиши малака ошириш курсларида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашда самарадорликка эришишни кафолатлайди (1-расм):




**1-расм. Малака ошириш курсларида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг устувор тамойиллари**

Малака ошириш курсларида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ва баҳолашнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур жараённинг босқичлари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди (2-расм).

Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш жараёнини бошқариш – режалаштириш, ташкил этиш, назорат, таҳлил ҳамда коррекциялаш асосида малака ошириш курсларида педагог

кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ёндашув.



2-расм. Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг асосий босқичлари

Англаганидек, тадқиқот объекти бўлган жараёни бошқаришда режалаштириш, ташкил этиш, назорат, таҳлил ва коррекциялаш муҳим таркибий элементлар сифатида кўзга ташланади. Уларнинг назарий моҳияти қуйидагиларда акс этади:

- **режалаштириш** - малака талаблари асосида касбий компетентлик сифатларига эгалик даражасини аниқловчи реал кўрсаткичларни белгилаш;

- **ташкил этиш** - малака ошириш курслари аввалида тингловчиларнинг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш имконини берувчи интеграциялашган электрон ташхисловчи тизимни яратиш;


- **назорат** - педагог кадрларнинг ахборот, инновацион, технологик, креативлик, шахсий компетентлик сифатларининг ривожланганлик даражасини назорат қилиш;

- **таҳлил ва баҳолаш** - етарлича ривожланмаган касбий компетентлик сифатларини, уларни ўзлаштириш йўлидаги қийинчиликларни таҳлил этиш, баҳолаш ва индивидуал-касбий ривожланиш эҳтиёжларини аниқлаш;

- **коррекциялаш** - касбий компетентлик сифатларини, уларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни аниқлаш асосида коррекциялаш чораларини белгилаш.

Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш мазкур жараённинг умумий тавсифи, устувор тамойиллари, ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда унинг моделини

ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқот муаммосининг назарий ҳамда амалий ғояларига таянган ҳолда, малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш жараёнини бошқариш модели ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш жараёнини бошқариш модели

Диссертациянинг малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашнинг ташкилий шакллари, метод, восита ва технологиялари, уларнинг дидактик имкониятлари, амалий аҳамияти очиб берилган иккинчи боби **“Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш механизмлари”** деб номланган.

Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашда ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг бошқарув жиҳатдан оқилона ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагогик фаолият шакллари тўғри танланишига эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли илмий-тадқиқот ишини олиб боришда ана шу

мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари аниқлашга эътибор қаратилди. Назарий таҳлил, малака ошириш марказларидаги таълим жараёнини кузатиш, тингловчи-респондентлар фаолияти ҳамда унинг натижаларини ўрганиш асосида малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашга қаратилган педагогик фаолиятнинг қўйидаги шаклларда ташкил этиш кутилган натижаларни қўлга киритишни таъминлашига ишонч ҳосил қилинди. Улар қўйидагилардир:

**1. Электрон портфолио.** Асос: сўнги уч йиллик фаолият натижаси, ютуқлари, касбий ўсиш, иш тажрибаси оммалашганлигини белгиловчи касбий фаолият натижаларини баҳолашга қаратилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ижодий иш материалларни қамраб олувчи электрон ресурслар мажмуаси.

**2. Назорат иши.** Асос: тингловчининг малака ошириш курсларида ўқув модулларини ўзлаштирганлик натижаларини белгиловчи ҳужжатлар (даражали тестлар ва савол варақалари, лойиҳалар, тақдимотлар ва бошқа ижодий иш намуналари).

**3. Масофадан ўқитиш.** Асос: малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчининг ўқув модулларини ўзлаштирганлик, педагогик амалиёт, оралиқ назорат (тестлар, амалий топшириқ) ва битирув иши учун қўйилган баллар.

**4. Педагогик амалиёт.** Асос: тингловчининг касбий малака, тажриба ва компетентликка эгаллигини амалда намойиш этиш (мустақил ташкил этилган дарс, маънавий-маърифий тадбир ҳамда ўзаро дарс кузатиш таҳлили) натижаларининг балл кўрсаткичлари.

**5. Автоматлашган мониторинг.** Асос: тингловчининг касбий малака ва компетентликка эгаллигини дастлабки ва изчил баҳолашга имкон берувчи кириш, оралиқ ва чиқиш тестлари, электрон портфолио, педагогик амалиёт, битирув иши ҳимоясининг натижалари


**6. Аттестация.** Асос: тингловчининг касбий малака ва компетентликка эгаллигини оралиқ баҳолашга имкон берувчи назорат ишлари, тест (онлайн-тест) синовлари, педагогик (малакавий) амалиёт натижалари, электрон портфолио бўйича кўрсаткичлар, якуний баҳолаш (битирув иши ҳимояси)нинг натижалари.

Келтирилган мазкур компонентлар интеграцияси асосида малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш воситаси сифатида электрон ташхислаш тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. (4-расм).

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий малакасини ташхислаш ва баҳолашда самарали бўлган муаллифлик технологиясини таклиф қилишга эътибор қаратилди. Педагогика, психология ва социология соҳаларида мавжуд ташхис методлари ҳамда илғор педагогик технологияларнинг назарий моҳияти, амалий-методик имкониятларини ўрганиш асосида малака ошириш курсларида педагог



кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашда Векслер томонидан асосланган “Ақлий ривожланиш даражасини баҳоловчи” шкала (Векслер шкаласи)ни модификацияланган вариантини яратиш самарали деган қарорга келинди. Модификацияланган технология “Педагогик интеллект” деб номланди.



**4-расм. Педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг электрон тизими**

“Педагогик интеллект” технологиясининг мақсади малака ошириш курсларида тингловчиларда назарий билим, амалий кўникма, малака ва касбий компетентлик сифатлари мавжудлигини кўп томонлама ўрганиш, ташхислаш ва баҳолашдан иборат.

Технология ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: 1. Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва касбий компетентлик сифатларига эгалиklarини кўп томонлама ташхислаш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 2. Тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва касбий компетентлик сифатларига эгалиklarини ташхислаш ва баҳолашга имкон берувчи кўп функцияли ўқув топшириқлари тизимини шакллантириш. 3. Шакллантирилган ўқув топшириқлари асосида малака ошириш курсларида тингловчиларда билим, кўникма, малака ва касбий компетентлик сифатлари мавжудлигини ташхислаш ва баҳолаш.

“Педагогик интеллект” технологияси малака ошириш тизимида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашга яхлит, ҳар томонлама ёндашиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ўз ичига тест, кейс-стади, “Ахборот = графика” ва “Визуал хотира” номли ташхис методларини қамраб олади. Технологиянинг таркибий тузилмаси унинг мавжуд педагогик технологиялардан фарқини кўрсатади. Педагог кадрларнинг назарий ва амалий билимларини, креатив қобилияти даражасини ташхислаш ва баҳолаш имконига эга методларни яхлит ҳолда қўллаш тажрибаси малака ошириш, умуман, педагогик таълим тизимиغا илк марта жорий этилди ва бу ҳолат таълим технологияларининг янгилигини тасдиқлайди.

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқотлар жараёнида, педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислашнинг электрон-диагностик тизими (индивидуал-касбий ривожланиш харитаси) ишлаб чиқилди. Бу педагог кадрларнинг электрон портфолио натижалари, ўқув модуллари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда касбий ривожланиш эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб боровчи электрон база (Teachers Record Management System) ҳисобланади. Мазкур диагностик тизим педагог кадрларнинг мустақил касбий ривожланиш эҳтиёжлари ҳамда йўналишларини белгилаш, уларнинг касбий компетентлик даражасини баҳолаш, коррекцион дастурларни тавсия этиш имкониятини яратади.

Диссертациянинг учинчи - **“Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштиришга оид тажриба-синов ишлари натижалари”** деб номланган бобида малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолашга доир тажриба-синов ишларининг назарий тавсифи ҳамда динамикаси баён этилган. Тингловчи-респондентларнинг рейтинг асосида касбий компетентликка эгалликларини ташхислаш ва баҳолаш муайян ҳолатлар бўйича алоҳида мезонлар орқали амалга оширилади.

Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети ва Фарғона давлат университетлари ҳузуридаги минтақавий марказлар, Ўзбекистон миллий университети (ЎЗМУ), Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ) ҳузуридаги тармоқ марказлари тажриба-синов майдонлари этиб белгиланди.

Тажриба-синовда жами 997 нафар тингловчилар қатнашди. Шундан 517 нафар тингловчи тажриба гуруҳида ва 480 нафар тингловчи назорат (кузатув) гуруҳида иштирок этди.

